



## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

### ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНГА ЯНГИ ҲАРБИЙ ҚУРОЛ – ЯРОҒЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ (АРХИВ МАНБАЛАРИ АСОСИДА)

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.35.91.086>

*Элова Дилноза Давлатовна*

*Бухоро давлат университети 1-курс таянч докторанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон минтақасига кириб келган ҳарбий техникалар, уларнинг тарқатилиши масалалари XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонга қишлоқ хўжалиги, саноат ва маиший хизмат кўрсатиши янги техникалари билан бирга ҳарбий соҳада қурол-яроғ ва ўқ-дориларнинг замонавий турлари ҳам кириб келди. Ҳарбий соҳадаги янгиликлар юз беришига Туркистон ҳарбий округи солдат ва зобитларини замонавий қуроллар билан қуролаштириши, ўлкада маъмурий – ҳарбий бошқарувни мустаҳкамлаш мақсадида полицмейстр, участка простави, уезд бошлиқларини ўқ отар қуроллар ва патронлар билан таъинлаш, кўчирилган аҳолига ўзини ҳимоя қилиш ва қўзғолонларни бостиришида фойдаланиш каби кўпдан-кўп омиллар Ўзбекистон Миллий Архиви ҳужжатлари асосида илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** милтиқ, тўппонча, ўқ-дори, патрон, наган, револьвер, тўп, пулемёт, ҳарбий округ, армия, қўшин, самолёт, полицмейстр, участка пристави, генерал-губернатор, дўкон, омбор.

### ИСТОРИЯ ПРОНИКНОВЕНИЯ НОВОГО БОЕВОГО ОРУЖИЯ В ТУРКЕСТАН В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ (НА ОСНОВЕ АРХИВНЫХ ИСТОЧНИКОВ)

*Элова Дилноза Давлатовна*

*базовая докторантура 1 курса БухГУ*

**Аннотация.** В данной статье рассматривается военная техника, поступившая в Туркестанский регион в конце XIX – начале XX века, вопросы ее распространения наряду с новой техникой сельскохозяйственного, промышленного и бытового обслуживания в Туркестане в конце XIX – начале XX века, современные виды оружия и медикаментов вошли в военную сферу. Многие факторы, такие как Вооруженные Силы Туркестанского военного округа и его офицеры с современным оружием, полицмейстеры, участковые проставы с целью укрепления административного и военного правления в стране, выговор уездных начальников с применением огнестрельного оружия и патронов, применение самообороны к перемещенному населению и подавление восстаний, были научно исследованы на основе.

**Ключевые слова:** Винтовка, пистолет, стрелковое оружие, патрон, наган, револьвер, пушка, пулемет, военный округ, армия, самолет, полицмейстер, участок, генерал-губернатор, магазин, склад.

## THE HISTORY OF THE PENETRATION OF NEW MILITARY WEAPONS INTO TURKESTAN IN THE LATE XIX - EARLY XX CENTURIES. (BASED ON ARCHIVAL SOURCES)

*Elova Dilnoza Davlatovna*

*basic doctoral studies of the 1st year of the BSU*

**Abstract:** *This article discusses military equipment that arrived in the Turkestan region in the late XIX - early XX century, issues of its distribution along with new agricultural, industrial and consumer service equipment in Turkestan in the late XIX - early XX century, modern types of weapons and medicines entered the military sphere. Many factors, such as the Armed Forces of the Turkestan military District and its officers with modern weapons, police officers, precinct officers in order to strengthen administrative and military rule in the country, reprimand of county chiefs using firearms and ammunition, the use of self-defense to displaced populations and the suppression of uprisings, have been scientifically investi*

**Keywords:** *Rifle, pistol, small arms, cartridge, revolver, revolver, cannon, machine gun, Military district, army, plane, police chief, precinct, Governor-General, store, warehouse.*

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонга қишлоқ хўжалиги, саноат ва маиший хизмат кўрсатиш янги техникалари билан бирга ҳарбий соҳада қурол-яроғ ва ўқ-дориларнинг замонавий турлари ҳам кириб келди. Ҳарбий соҳадаги янгиликлар юз беришига Туркистон ҳарбий округи солдат ва зобитларини замонавий қуроллар билан қуроллантириш, ўлкада маъмурий – ҳарбий бошқарувни мустақамлаш мақсадида полицмейстр, участка прости, уезд бошлиқларини ўқ отар қуроллар ва патронлар билан таъинлаш, кўчирилган аҳолига ўзини ҳимоя қилиш ва қўзғолонларни бостиришда фойдаланиш каби кўпдан-кўп омиллар туртки бўлганди.

Ўзбекистон Миллий Архиви фондларидаги маълумотлар таҳлил қилинар экан, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкаси бўйлаб ўз замонасининг илғор ҳарбий техникаси ҳисобланган ўқ отар қуроллардан Берданка – 5, Венчестр – 3, ортидан ўкланадиган бошқа турдаги милтиқлар, наган, револьвер маркали тўппончалар, бронетанк, броне поезд ерда ўрмаловчи зирҳли машиналар, “максимка” лента ўқли пулемёт, отлар орқали бир жойдан иккинчи жойга кўчириладиган энгил, снаряд отадиган тўплар, сочма ўқ отадиган калта смволли милтиқ кабилар кириб келганлигига амин бўламиз. XX аср бошларида битта учувчи билан парвоз қиладиган ҳарбий самолётлар ҳам пайдо бўлганлиги, улардан ҳарбий тўқнашувларда фойдаланилганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилганлиги муҳимдир.

Янги ҳарбий техникалар аввало империя ҳукумати томонидан ўлкага келтирилди.

Марғилон уезди бошлиғи 1905 йил 16 декабрда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига йўллаган билдиргисиде: “Аравон участка прости орқали рус қишлоқларидаги деҳқонларга ва назоратчиларга беш отар (Берданка –

5) Венчестр – 3 маркали милтиқлар ва уларнинг 2 яшик (2300 та) патрон ўқини тарқатганлигини хабар қилади. Бундан ташқари Москва қурол заводидан келтирилган янги ов қуроллари олиб келиб тарқатилганлиги ҳам хабар қилинган. Ушбу қурол ва ўқ-дорилар кўчирилганларни ўз-ўзини ҳамда ёввойи ҳайвонлардан химоя қилиш учун эканлиги уезд бошлиғи томонидан қайд этилсада, аслида бу тадбир асосида бошқа ҳарбий-стратегик мақсад ҳам ётганлиги аён бўлади. Ўлкадаги славян аҳолига янги милтиқлар билан муомала қилиш, ўқ-доридан фойдаланиш қонун-қоидалари ҳақида кўрсатма(инструкция) лар ҳам берилган. “Берданка – 5”, “Венчестр – 3” милтиқларининг 1 дона патрони ўша давр пули билан 1 руб. 01 коп турса, ов милтиқлари патрони 0,50-055 коп. эди. Патронларнинг харажатлари уезд хазинасидан қопланган.

Нафақат кўчирилган аҳоли ва ҳарбий қисмларга, қолаверса, участка кўриқлашприставлари ҳамда полицмейстрларга, махсус ҳарбий идораларига Россиянинг Тула давлат қурол-яроғ заводидан ишлаб чиқарилган револьвер, наган ва турли маркадаги милтиқлар, патронлар тарқатилган. Тошкентда артиллерия (тўп) ва қурол-яроғ омборхонаси ташкил этилиб (1898 йилда) ушбу омборхонада драгун намунасидан милтиқлар кўп миқдорда бўлган. Наманган уезди бошлиғи (Фарғона вилояти) 1914 йил 28 майда Фарғона ҳарбий губернаторига хабар қилиб, Янги Қўрғон ва Чуст участкаларини кўриқлаш қисмларига 15 та драгун намунасидаги милтиқ берганлиги қайд этилган. Мазкур хат орқали ушбу милтиқларга патрон (ўқ-дори), ўч отар винтовка (венчестр) бериш ҳам сўралган. 1914 йили Тошкент артиллерия ва ўқ-дори заводидан полиция учун 5000 та, ҳеч бўлмаганда 2500 та патрон сўралган, 1914 йил апрелда Андижон уезд бошлиғига Тула заводидан ишлаб чиқарилган 20 та револьвер, “Наган” ва 5000 та патрон юборилди. [8]

Янги турдаги ҳарбий техникани ўлкага кириб келишида ҳукуматнинг ҳарбий вазирликдаги вакиллари, ваколат берилган ташкилотлардан ташқари бошқа воситалар билан ҳам ҳаракатлар бўлган. Хорижга турли мақсадларда чиққан айрим кишилар чет эллардан яширин йўллар билан Туркистонга ҳарбий қурол-яроғларни олиб келганлиги манбалардан ўрин олган. 1904-1905 йиллардаги рус-япон урушидан кейин Каспийорти вилоятидан кўп сонли туркманлар турли мақсадларда (савдо-сотик, саёҳат, ҳаж зиёрати ва ҳоказо) Шарқ давлатлари бўйлаб сафарга чиққанлар. Улардан Японияга борганлари бу давлатда уч отар замонавий милтиқларни катта гуруҳда сотиб олишган. Туркман вакиллари кўп яшиқларда патрон, бештача пулемёт харид қилиниб Каспийорти вилоятига қуруқлик ва сув йўллари билан етиб келинган. [9] Туркистон муҳофаза бўлими (Охранка) нинг махфий хабарига кўра 1916 йилда Каспийорти вилоятида Афғонистон, Эрон давлатлари орқали ўтказилган инглиз ва ҳинд қуролларидан иборат яширин омборхоналар бўлган. Ўтқир учувчан, янги патронлар олиб келинган. Янги турдаги милтиқлар билан яширин савдо қиладиган шахслар пайдо бўлиб Марвда М.Ҳайдаров савдо идораси хизматчиси Оғабой туркманларга жанговор милтиқларнинг 1000 талаб 30 рублда пуллаган [10] деган маълумот келтирилади, архив ҳужжатида. Кейинчалик, совет ҳукумати йилларида (1917-1920 йиллар) туркман сардорлари замонавий

қуролланган ҳарбий отрядлари билан совет вакиллари Амурарёдан сузиб, Афғонистонга ўтиш сув йўлини кесиб қўйганди ва Қизил Армия кемаларини ўз ҳудудларидан қўшни давлатга сузиб ўтишларига йўл бермаганди.

Туркистонга киритилган ҳарбий техникалар ўлкада фаолият юритаётган маиший хизмат кўрсатиш техникалари сотиладиган дўкон ва магазинлар орқали ҳам яширин равишда сотилган. Ушбу фикримизни архив ҳужжатлари тасдиқлайди. Граммафон ва грампластинкалар сотадиган магазин эгалари П.И.Косеновна, И.М.Царев 1912 йилда ўз магазинларида револьвер, наган ва милтиқларни, порох, ўқ-дориларни яширин ҳолда сотганликлари учун 50 рублдан 100 рублгача жаримага тортилишган. Ҳатто, уларга 6 суткагача қамоқ жазоси белгиланиб, ўзларидан 2 та револьверни рўйхатдан ўтказмай сақлаганликларига қўшимча 25 рублдан жарима тўлашган. [11] Айрим ўлкада фаолият юритган акционерлик жамиятлари хизматчилари ҳам Европа ва Россиядан келтирилган қурол-яроғларни, патронларни яширин миждозларга сотган. Милтиқ ва тўппончалар нархи 25 рублдан 50 рублгача бўлган. Гергард ва Тей жамияти ходимлари 1915 йилда ўз дўконларида Германия, Япония, Англиядан келтирилган қурол-яроғ (милтиқ ва тўппонча), ўқ-дори ва снарядларни сотишганини манбалар тасдиқлайди. [12]

Таъкидлаш жоизки, Россия империяси ва муваққат буржуа ҳукумати даврлари тугаганидан сўнг, ўлкага ўқ отар қуроллар ҳамда уларнинг ўқ-дориларини кириб келиш жараёни давом этди. 1920-1923 йилларда Туркистон АССР, БХСР, ХХСР даги ҳарбий вазият туфайли Қизил Армия қисмлари билан Миллий ватанпарвар кучлар ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар даврида ўлкага турли маркадаги ҳарбий самолётлар кириб келди. Озодлик учун курашувчилар орасида ҳам қурол-яроғ тарқатилди. Айниқса, юқорида кўрсатилган йилларда Қашқадарё воҳасига кўп миқдорда япон винтовкалари келтирилган. Уни халқ орасида тарқатишда БХСР нинг айрим ҳукумат аъзолари ҳам иштирок этган.

Уни халқ орасида тарқатишда Қарши солиқ идораси раҳбари Нуриддин оғалиқ Эшон Аҳмадхонов ташкилотчилардан бири бўлган. Уни “аксинқилобчи” сифатида айблаб отилишида ушбу ҳаракатлари ҳам инобатга олинган, шунингдек, “босмачи” тўдалари қўлига қурол берган ислом дини уламолари ҳам таъқиб остига олинган.[6]

1917-1924 йилларда Туркистондаги мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият туфайли ҳукумат идораларининг ходимлари, ҳукуматга тегишли бўлган тажриба станциялари кабилар ҳам қурол-яроғ билан таъминланган. Тадқиқот орқали амин бўлиндики, бу каби муассасалар ихтиёрига ҳам замонавий қурол-яроғлар берилган.

Бухоро шаҳри яқинида 20-25 десятина ер майдонига эга бўлган Ширбудин қишлоқ хўжалик станцияси ихтиёрига 4 дона учотар Винчестр, 1 дона Берданка милтиғи, 20 дона револьвер берилиб, улар учун уч отар милтиққа 321 дона, Берданкага 32 дона, револьвер учун 17 дона патронлар ҳам топширилган. [7]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ernazarov.F.A. XIX- asr oxiri – XX-asr boshlarida Xiva xonligidagi madaniy hayot. Tarix fan. nomzodi dar. olish uchun dis. yozilgan avtoreferati. –Toshkent- 2005. –B .16.
2. Orziyev M. Z. XIX- asr oxiri – XX asr birinchi choragida Buxoroda bosmaxona, nashriyot va matbuot ishi. Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori ( PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Samarqand- 2020. – B. 12-13.
3. Shodmonovich A. O. Education in the emirate of bukhara (based on the life and work of the rulers) //Academicia: an international multidisciplinary research journal. – 2020. – T. 10. – №. 12. – С. 1224-1227.
4. Ахмедов О. Ш. Образование в Бухарском эмирате (на основе жизни и творчества правителей) //Вопросы науки и образования. – 2021. – №. 6 (131). – С. 10-13.
5. Хайитов Ш. А. Историческая судьба туркестанских военнопленных второй мировой войны //Метаморфозы истории. – 2015. – №. 6.
6. ЎзМА, Р-50-фонд, 1-рўйхат, 255-йиғма жилд, 192 varaқ, Тарихнинг номаълум саҳифалари (IX китоб). –Т.: Akadem nashr, 2020.. –Б.212. Муаллифнинг туркиялик ўзбек Собир Соийҳонли билан мулоқоти, 2018 йил 15 август (1931 йилда туғилган).
7. Р-48-фонд, 1-рўйхат, 267-йиғма жилд, 116-варақ
8. ЎзМА, U-19-фонд, 1-рўйхат, 9758 йиғма жилд, 10,11,13 – варақлар.
9. ЎзМА, U-461-фонд, 1-рўйхат, 1812 йиғма жилд, 60,61,62 – варақлар.
10. ЎзМА, U-461-фонд, 1-рўйхат, 1812 йиғма жилд, 41-варақ.
11. ЎзМА, U-17-фонд, 1-рўйхат, 16998 йиғма жилд, 78,79,80 – варақлар.
12. ЎзМА, U-461-фонд, 1-рўйхат, 1496 йиғма жилд, 81-варақ.